

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ШАВКАТЖОН УЛУҒБЕКОВИЧ БОБОЖОНОВ**

**БУХОРО ВОҲАСИДА ЗИЁРАТ САЙЁҲЛИГИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(антропологик тадқиқот)**

**07.00.07–Этнография, этнология ва антропология**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент, 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Шавкатжон Улугбекович Бобоҷонов**

Бухоро воҳасида зиёрат сайёҳлигининг ривожланиш хусусиятлари (антропологик тадқиқот).....	3
--	---

**Шавкатжон Улугбекович Бобоҷонов**

Особенности развития паломнического туризма в Бухарском оазисе (антропологическое исследование).....	27
---	----

**Shavkatjon Ulugbekovich Bobojonov**

Features of development of pilgrimage tourism in the Bukhara oasis (anthropological research).....	51
---	----

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ List of published works.....	55
---	----

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ШАВКАТЖОН УЛУҒБЕКОВИЧ БОБОЖОНОВ**

**БУХОРО ВОҲАСИДА ЗИЁРАТ САЙЁҲЛИГИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(антропологик тадқиқот)**

**07.00.07–Этнография, этнология ва антропология**

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент, 2023**

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий яттестация комиссиясида B2022.3.PhD/Tar507. ракам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтидаги бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fati.uz](http://www.fati.uz)) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Манзила Бакиевна Курбанова**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Руза Баллиева**  
тарих фанлари доктори, профессор  
**Зайнаб Кадирбергановна Абидова**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:** **Карши давлат университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти хузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 ракамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил «17» февраль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.(Манзил:100047, Тошкент шаҳри, Яхё Гуломов кўчаси, 70-йй.Фанлар академияси асосий биноси, 110-хона.Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: [info@fati.uz](mailto:info@fati.uz))

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (10 ракам билан рўйхатга олинган).(Манзил:100170,Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-йй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2023 йил «3 » феврал куни таркатилди.  
(2023 йил «3 февраль» даги ракамли реестр баённомаси).



**Азamat Зиё**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, тарих фанлари  
доктори, профессор

**Х.С.Жуманазаров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,тарих  
фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD)

**Н.А.Аллаева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш кошидаги илмий  
семинар раиси,тарих фанлари доктори,  
катта илмий ходим

## **КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурияти.** XXI асрда юз берадётган этнослараро муносабатлар ва маданиятлар бирлашуви жараёнида зиёрат туризмини шакллантириш халқнинг миллий ўзлигини сақлаб қолиш, ҳар бир худудни ягона этник ва маданий макон сифатидаги ўрнини белгилаш долзарб аҳамият касб этади. Зиёрат сайёхлиги “маданиятлар ўртасидаги мулоқот” орқали тинчликни сақлаш ва халқларнинг яқинлашишига ҳисса қўшадиган, маданий, гуманитар ривожланишнинг бош омили ҳамда миллий анъаналар, урф-одатларни сақлаб қолиш воситаси ҳам ҳисобланади.

Жаҳонда бугунги кунда сайёх-зиёратчилар сонининг кескин ошиб бориши, соҳа дунё иқтисодиётининг муҳим тармоғи сифатида зиёрат сайёхлигини амалий жиҳатдан маданий антропологиянинг алоҳида йўналишига айланди. Зиёрат сайёхлигини иқтисодий даромад, миграция, диний ва дунёвийлик жиҳатлари доирасида ўрганиш нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга эга мавзулардан бири ҳисобланади. Шу боис Америка антропология ассоциацияси (АҚШ), Туризмни тадқиқ этиш халқаро академияси (Испания), Лихачёв маданий ва табиий мерос илмий-тадқиқот институти (Россия) каби марказларда мазкур ижтимоий-маданий ва диний феноменни турли динлар, маданиятлар, худудлар ва ижтимоий тоифалар кесимида ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда маънавий дунёқараш ва тарихий тафаккурни шакллантириш зиёрат туризми орқали тарғиб этилмоқда. Улуғ авлиё ва мутафаккирлар тарихини тиклаш асносида бой моддий ва маънавий меросни келажак авлодга етказиш, халқнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун зиёрат сайёхлигини оммалаштириш зарурати туғилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “динимиз тарихида бекиёс из қолдирган улуғ боболаримиз мероси билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш эзгу интилишларимизга мосдир”<sup>1</sup>. Юртимизнинг муҳим тарихий-этнографик воҳаси Бухорода 500 га яқин зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар жойлашган бўлиб, уларнинг тарихи, таснифи, зиёратчилар томонидан амалга ошириладиган зиёрат амаллари, одат ва маросимлари, зиёрат сайёхлигида тутган ўрни антропологик жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаган. Мустақиллик йилларида диний соҳадаги ислоҳотлар, зиёрат ва сайёхлик йўналишига қаратилган эътибор натижасида аҳоли дунёқарashi ва эътиқодий тасаввурларида ўзгаришлар рўй бергани учун муқаддас жойларга муносабат ва зиёрат мотивларини ўрганиш зарурати туғилмоқда. Шу жиҳатдан, мазкур мавзуни антропологик йўналишда тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий Кенгашнинг видеоконференция шаклида ўтказилган норасмий саммитидаги нутқи. 2021 йил 31 марта. <https://president.uz>.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2980-сон “2017 - 2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 9-февралдаги ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор ва фармонлари ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертация мавзусига оид тадқиқотлар ва адабиётлар тарихшунослиги тўртта гурухга бўлиб таҳлил қилинди:

1. *XIX аср иккинчи ярмигача бўлган тарихий адабиётлар;*
2. *Мустамлака даври адабиётлари;*
3. *Мустақиллик даври тадқиқотлари;*
4. *Хорижий тадқиқотлар.*

Мавзунинг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, тарихий даврларда зиёратгоҳлар ва зиёрат туризми муаммоси бўйича фанлараво тадқиқотлар бажарилган бўлса-да, Бухоро воҳаси зиёрат сайёҳлигининг ривожланиш хусусиятлари антропологик жиҳатдан ўрганилмаган. Тадқиқотнинг тарихшунослик таҳлили диссертациянинг I боби З қисмida батафсил берилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ЁФ1-ФА-0-12230 “Ўзбеклар миллий идентиклигининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари” (2018-2019 й.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Мустақиллик йилларида Бухоро воҳасида зиёрат сайёҳлигининг ривожланиш хусусиятларини антропологик жиҳатдан очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқсан холда қуидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

Зиёрат сайёҳлиги муаммосини ўрганишга доир назарий-услубий жиҳатларини тарихшунослик нуқтаи назаридан таърифлаш;

зиёрат сайёҳлиги тушунчасини таснифлаш;

муаммонинг тарихшунослиги асосида Бухоро воҳаси зиёрат сайёҳлигини мустақиллик йилларидағи ҳолатини таҳлил қилиш;

Бухорода зиёрат сайёҳлигининг шаклланиш жараёнларини кўрсатиш, шакл ва турларини аниқлаш;

зиёрат сайёҳлиги обьектларини дала тадқиқотлари материаллари асосида таснифлаш;

зиёратдаги этикетнинг меъёр ва қоидалари ҳамда бажариладиган амалларини этносоциологик маълумотлар асосида очиб бериш;

зиёрат сайёҳлигининг воҳа ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги ўрнини элшунослик маълумотлари асосида таҳлил қилиш;

воҳа зиёрат сайёҳлиги инфратузилмасининг маҳаллий хусусиятларини ёритиш;

воҳада зиёрат сайёҳлигининг ривожланишига таъсир этган омилларни кўрсатиш;

зиёрат сайёҳлигидаги муаммоларни аниқлаш ва уни иқтисодиётнинг салоҳиятли соҳасига айлантириш бўйича амалий таклиф ва мулоҳазалар бериш.

**Тадқиқотнинг обьектини** Бухоро воҳасининг зиёрат сайёҳлиги ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** зиёрат сайёҳлигининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, унинг шакл ва турлари, ташриф обьектларининг таснифи, инфратузилмаси, зиёрат этикет ва қоидалари, воҳа ижтимоий-иктисодий ҳамда маҳаллий ривожланишида ушбу соҳа улушининг динамикаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуслари.** Диссертацияда тарихийлик, контент анализ, хариталаш, кузатув, антропологик (сўровнома, интервью) тадқиқот усусларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуидагилардан иборат:

Бухоро воҳасида зиёрат сайёҳлиги зиёратгоҳларнинг маданий ёдгорликлар сифатида тарғиб қилиниши, зиёратдаги диний ва дунёвий мотивларнинг уйғунлашуви, ташриф буюрувчи (мехмон) ва қабул қилувчи (мезбон) ўзаро муносабатларининг дунё стандартларига мослашуви каби хусусиятлар натижасида ривожланганлиги далилланган.

воҳа зиёрат сайёҳлиги обьектларининг исломгача бўлган даврдаги сиғинадиган жойлар, шахслар номи билан аталувчи, шифобаҳш хусусиятга эга бўлган, табаррук инсонлар зиёрати сингари ўн бир шаклдаги таснифи ва хонадонларда сақланиб қолган авлиё (Сабри Вали, Хўжа Ҳофиз, Эшони Пир ва бошқалар) қабрлари географик жойлашув, диний мотив, ижтимоий тоифа жиҳатлари асосида юз бергани асосланган;

зиёратгоҳларда зиёрат этикет ва қоидалари салом дарвозаси, кавшкашхона, худойихона каби мейманий тузилиш, зиёратгоҳ останасини супуриш, пилик ёкиш, нарз бериш сингари маросимиийлик, ният тоши, зиёратгоҳ қулфларини очишдан иборат зиёратгоҳ атрибутларига муносабат ва Макка дарахти, замзам қудуғи сингари хаж зиёрати элементлари ҳудудий хусусиятларга кўра асосланган;

зиёрат сайёҳлиги инфратузилмаси диний-руҳий эҳтиёжлар, миллий қадриятлар, воҳанинг қадимий кўчалари, анъанавий туаржойлари, миллий безак техникасидан иборат мейморчилик интеръерига қизиқиш, софи ош, ҳолва, нишолда каби миллий таомлар ҳамда ҳалол меҳмонхонадаги гигиеник душ, қибла кўрсаткичлари, ибодат анжомларини ўз ичига оловчи исломий туризм ва меҳмондўстлик стандартларини жорий этиш каби омиллар асосида шаклланган аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Бухоро шаҳрида турли тарихий даврларда антропоген, техноген сабабларга кўра сақланиб қолмаган 29 та қадимий мозорлар (жами 40 та), 50 та зиёратгоҳлар ҳамда қадамжолар (жами 133 та) хақида маълумот берувчи Бухоро шаҳри зиёратгоҳлари ҳаритаси ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланди (Интеллектуал мулк агентлигининг 18.12.2020 йилдаги №002806 гувохномаси) ва амалиётга жорий қилинди;

Воҳанинг асосий зиёрат йўналиши ҳисобланган етти пир зиёратгоҳларини хорижда кенг тарғиб этиш, ташриф буюрувчилар сонини ошириш, кичик хаж дастурини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида ўзбек, рус, инглиз, турк тилларида “7 PIR” мобил иловаси ишлаб чиқилди (Интеллектуал мулк агентлигининг 24.03.2021 йилдаги № DGU 10628 гувохномаси) ва амалиётга жорий қилинди;

Тадқиқотнинг илмий хуласалари тарих, антропология, туризм ва иқтисод йўналишларига оид ишларга асос бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда антропология ва этнология фанида тан олинган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, кўплаб тарихий-этнографик манба ва адабиётлардан ҳамда дала материалларидан фойдаланилганлиги, бирламчи этнографик маълумотларга асосланганлиги, хуласа, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишида олинган хуласалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялардан зиёрат туризми ва туризм антропологияси йўналишидаги ишларни фундаментал ҳамда амалий жиҳатларини ўрганишга бағишлиланган маҳсус илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш, янги зиёрат маршрутлари ва обьектларини очишга доир дастур, соҳага оид фармон, қарор, фармойишлар қабул қилиш, республиканинг тарихий-маданий салоҳияти, зиёратгоҳлар ва муқаддас

қадамжолар тарихига оид илмий-оммабоп нашрлар, хужжатли фильмлар тайёрлаш, форум, фестивал ва халқаро кўргазмалар ўтказишида фойдаланиш мумкинлиги билан изохланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бухоро воҳасида зиёрат сайёҳлигининг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш юзасидан ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар асосида:

воҳа зиёрат сайёҳлиги объектларининг исломгача бўлган даврдаги сифинадиган жойлар, шахслар номи билан аталувчи, шифобаҳш хусусиятга эга бўлган, табаррук инсонлар зиёрати сингари ўн бир шаклдаги таснифи ва хонадонларда сақланиб қолган авлиё (Сабри Вали, Хожа Хоғиз, Эшони Пир ва бошқалар) қабрларининг географик жойлашувига доир тадқиқот натижаларидан “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармонида белгиланган вазифалар ва режалар ижросини таъминлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 22 апрел 2022 йил 04-18/1321-сон далолатномаси). Натижаларнинг жорийланиши зиёрат сайёҳлигининг янги йўналишларини ташкил этишга хизмат қилган.

зиёратгоҳларда зиёрат этикет ва қоидалари салом дарвозаси, кавшқашхона, худойихона каби меъморий тузилиш, зиёратгоҳ остонасини супуриш, пилик ёқиши, нарз бериш сингари маросимийлик, ният тоши, зиёратгоҳ қулфларини очишдан иборат зиёратгоҳ атрибутиларига муносабат ва Макка дарахти, замзам қудуғи сингари ҳаж зиёрати элементлари каби ҳудудий хусусиятлари акс этган илмий натижалардан Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди томонидан Бухоро вилояти зиёратгоҳлари харитасини яратишида фойдаланилган (Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фондининг 17 марта 2022 йил 01-09-17/03-22-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўзбек халқи тарихи ва маданий меросини асрар, унга доир билимларни тақомиллаштиришга хизмат қилган.

зиёрат сайёҳлиги инфратузилмаси диний-рухий эҳтиёжлар, миллий қадриятлар, воҳанинг қадимий кўчалари, анъанавий тураржойлари, миллий безак техникасидан иборат меъморчилик интеръерига қизиқиш, софи ош, ҳолва, нишолда каби миллий таомлар ҳамда ҳалол меҳмонхонадаги гигиеник душ, қибла кўрсаткичлари, ибодат анжомларини ўз ичига оловчи исломий туризм ва меҳмондўстлик стандартларини жорий этиш каби омиллар асосида шакллангани аниқлангани тўғрисидаги маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston tarixi” телеканалининг “Etno” кўрсатуви сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 29 марта 2022 йил 01-06-670-сон маълумотномаси). Натижалар воҳанинг мукаддас қадамжо ва зиёратгоҳлари ҳамда зиёрат сайёҳлигининг ўзига хос жиҳатларини жамоатчиликни таништиришда илмий асос вазифасини ўтаган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Диссертация натижалари 12 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларда мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилингандиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган. Шундан, 1 та илмий рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та (5 та республика ва 2 та хорижий журнал), 24 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хуроса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 159 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг обьекти, предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти, илмий натижаларнинг жорий қилиниши тавсифланган.

Диссертациянинг “*Зиёрат сайёҳлигининг назарий-услубий асослари ва тарихшунослиги*” деб номланган биринчи бобида зиёрат сайёҳлигини ўрганишга доир назарий-услубий ёндашувлар, зиёрат сайёҳлиги тушунчаси, таснифи ва мавзу тарихшунослигига доир маълумотлар ёритилган.

Мазкур бобнинг “*Зиёрат сайёҳлигини ўрганишга доир назарий-услубий ёндашувлар*” номли биринчи параграфида зиёрат сайёҳлигини илмий ўрганишнинг услублари этнологик ва антрополик ёндашувлари асосида таҳлил қилинган.

Сайёҳликни тадқиқ этувчи туризм антропологияси фани 1960 йилда юзага келди. Чунки унга қадар антропологлар томонидан соҳага эътибор қаратилмаган ва жиддий тадқиқ этилмаган<sup>2</sup>. Туризмнинг антропологик феномени атамасини Терон Нанц биринчи маротаба 1977 йилда Валена Смит мұҳаррирлигига чоп этилган “Мехмонлар ва мезбонлар” номли түпламида илмий муомалага киритади<sup>3</sup>. Қолаверса, 1970-йилларда туризм антропологиясида мезбон ва меҳмон орасидаги муносабатлар мухим мавзуга айланади. Калифорния университети социомаданий антропология профессори Нельсон Граберн туризмни когнитив<sup>4</sup> амалиёт нуқтаи

<sup>2</sup><https://travel-journal.ru/cultural-anthropology/10/254>.

<sup>3</sup>Nunez T. Touristic Studies in Anthropological Perspective / Hosts and Guests The Anthropology of tourism. – Philadelphia: University of Pennsylvania press, 1989. – P.271.

<sup>4</sup>Қаранг: Миницкий Н.И. Когнитивные практики в исторической науке и образовании// Когнитивные практики в исторической науке и образовании.– Минск: БГУ, 2009. – С. 143.

назаридан “муқаддас саёхат” сифатида кўриб чиқиш, бинар қарама-каршиликларни “Иш + кундалик ҳаёт = дунёвий //туризм + кундалик ҳаёт = муқаддас” формуласи асосида кўриб чиқишини таклиф этади. Унинг фикрича, ҳаёт тарзи одатий ва ноодатийга бўлинади<sup>5</sup>. Одатий ҳаёт тарзи мажбурий фаолият бўлиб, доимгидек уйда содир бўлади. Ноодатий фаолият “уйдан ташқарида” ихтиёрий тарзда муқаддас туйғулар асосида содир бўлади.

Пенсильваниядаги Ғарбий Честер университети (АҚШ) антропологи Майкл Джовин глобал ҳаракатчанлик шакллари бўлган – туризм, зиёрат ва иммиграция масалаларини узоқ йиллар тадқиқ этган. Унинг таъкидлашича, қачонки тадқиқот “глобал этнография” шаклида амалга оширилар экан, шунда антропология туризмнинг аҳамиятини яхшироқ очиб бера олади. Антрополог олим туризмнинг “глобал этнография”сини юритишида оид бир неча ёндашувлар орасида “сиртуал этнография”ни алоҳида ўринга қўяди<sup>6</sup>. Ушбу ёндашув орқали сайёҳларни интернет тармоғи орқали кузатиш, жорий холатга баҳо бериш, керакли таҳлилларни амалга ошириш мумкин.

Замонавий адабиётларда “зиёратчи” – диний саёҳатчи, сайёҳ эса – дам оловчи деб таъриф берилди<sup>7</sup>. Зиёрат ва зиёрат туризми хусусиятига кўра бир хил йўналиш ва ташриф буюриш обьектлари ҳисобланади. Зиёратчи ва зиёрат туризмидан иштирок этувчи сайёҳ ўртасидаги тафовутни аниклаш қийин. Зиёратчи исталган пайтда сайёҳга айланиб қолиши мумкин. Ўз навбатида сайёҳ ҳам зиёратчи бўлиб қолишини яхши англайди. Бизнингча сайёҳ ярим зиёратчи, зиёратчи бўлса ярим сайёҳdir.

Зиёратгоҳларга ташриф буюрувчиларни “ўта диний ва таълими мотивацияга эга бўлган зиёратчилар”, “сайёҳлар”, “ҳам сайёҳ, ҳам зиёратчи” тоифаларига ажратиш мумкин.

Масалан, биринчиси, авлиёларнинг ҳаёти, таълимоти, динга қўшган ҳиссасидан чукур хабардор бўлиб, зиёратгоҳдаги шахсни англаған ҳолда зиёрат қилишади. Иккинчиси, сайёҳларнинг ташриф мақсади асосан дунёвий ҳарактерга эга ва тарихий-маданий мерос билан танишиш, архитектура ёдгорликларидан завқ олишдир. Учинчи тоифага сайёҳ, ҳам зиёратчилар ҳар икки мақсадни адо этиш учун ташриф буюрганлар. Айтиш мумкинки, зиёрат сайёҳлиги (туризми) антропология фанида янги йўналиш бўлишига қарамай, дунё тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлиши фикримиз далилидир.

Антропологияда туризмни тадқиқ этишнинг бошланиши ҳалқларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётига яқиндан кириб боришга, шунингдек, мамлакатларнинг туризм иқтисодиётини ривожлантириш йўлларини кўрсатиб беришга хизмат қиласи.

<sup>5</sup> Graburn N.H.Tourism: The Sacred Journey / Hosts and guests. The antropology of tourism. – Philadelphia: University of Pennsylvania, 1989. – P.25.

<sup>6</sup> Di Giovine M.A. Tourism Research as "Global Ethnography" // Anthropologies: a Collaborative Online Project. – April 15, 2011. from [https://digitalcommons.wcupa.edu/anthrosoc\\_facpub/119](https://digitalcommons.wcupa.edu/anthrosoc_facpub/119).

<sup>7</sup> Collins-Kreiner N. The geography of pilgrimage and tourism: Transformations and implications for applied geography // Applied Geography. – 2009. – xxx. – P.6.

Бобнинг “Зиёрат сайёхлиги таснифи” деб номланган иккинчи параграфида зиёрат ва сайёхликнинг ўхшашлик ва фарқли томонлари, зиёрат сайёхлигининг таснифи, унинг диний, маданий, иқтисодий, географик, хукуқий ва антропологик таърифи ҳамда ҳозирда оммалашаётган “ҳалол сайёхлик”га доир масалалар ёритиб берилган.

Дунё олимлари томонидан зиёрат сайёхлиги “маънавий туризм”, “мерос туризми”, “ибодат туризми”, “диний туризм”, “муқаддас туризм” ва “эътиқод туризми”<sup>8</sup>, шунингдек, “ишонч туризми” деб юритилаётганлиги ва улар бир маъноларни англатишини айтиб ўтиш мумкин<sup>9</sup>. Илмий адабиётларда “диний туризм (religious tourism)”, “зиёрат туризми (pilgrimage tourism)” тушунчаларини кенг ишлатилмоқда. Тадқиқотчилар уларни бир-бирига синоним ёки бир-бирини тўлдирувчи атамалар сифатида изоҳлашади.

*Зиёрат ва сайёхлик(туризм)* – гарчи турли кўринишлардаги фаолият бўлса-да, уларда ички умумийлик бўлиб, бир-бирини тўлдиради ҳамда бирга ривожланади<sup>10</sup>. Айтиб ўтиш жоизки, зиёрат дунё сайёхлик тизимида маҳсус саёҳат тури сифатида ажралиб турари ва халқаро таснифлашга кўра зиёрат туризми деб қабул қилинган.

*Зиёрат сайёхлиги ўзининг антропологик таърифга кўра*, диний ва дунёвий мотивлар элементлари, айниқса, ибодат, танишув ва ҳордик чиқаришни мужассамлаштирган, маънавий, интеллектуал, жисмоний, руҳий омилларни ўзида намоён этувчи, диний саёҳат ва сайёхлик миграцияси билан боғлиқ асосий йўналишдир. Антропологларнинг фикрича<sup>11</sup>, инсон доим ўз қобигидан очиқликка чиқиш учун номаълум ва янги нарсаларни қарши олишга интилади. Сайёхликнинг мазкур йўналишида доимий яшаш жойидан ташқарида бўлган инсон эҳтиёжларининг қондирилиши билан боғлиқ саноат ҳамда ижтимоий, маданий, иқтисодий ва жисмоний муҳитга бўлган таъсирлар ўрганилган.

Бизнингча, зиёрат туризмининг умумий моҳияти шундан иборатки, бир мамлакатдан иккинчи ҳудудга маълум муддатга келган зиёратчи ёки сайёхнинг диний, дунёвий эҳтиёжлари қондирилиши ва унда иштирок этувчи меҳмон (*ташириф буюрувчи*) ва мезбон (*қабул қилувчи*)нинг ўзаро муносабатлари тушунилади.

Ҳозирги кунда зиёрат сайёхлигига мусулмон зиёратчиларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида пайдо бўлган, ҳалол стандартларига

<sup>8</sup> Nieminen K. Religious Tourism - a Finnish Perspective. Thesis Masters of Hospitality Management 2012. – P.14.

<sup>9</sup> Durán-Sánchez A., Álvarez-García J., María de la Cruz del Río-Rama., Oliveira C. Religious Tourism and Pilgrimage // Religions. – 2018. – №9. – P.1-15.

<sup>10</sup>Mesaritou E, Coleman S, Eade J. Introduction: Guiding the pilgrim // Tourist Studies. – 2015.July. – №16/1. – P.2.

<sup>11</sup> Jackowski A. Religious Tourism – Problems with Terminology// Peregrinus Cracoviensis Zeszyt. – 2000. – №10. – P.63-74; Jafari J. Editor's Page // Annals of Tourism Research. – 1977. Special Number. – October / December. – P.6-11; Гурин С. Туризм как антропологический феномен // Топос. <https://www.topos.ru/article/2169>. 23.03.2004.

асосланган исломий (ҳалол) сайёхлик оммалашмоқда. “Ҳалол сайёхлик” – дунё бўйлаб мусулмонларнинг диний эҳтиёжлари ва талаблари инобатга олинган саёҳатлар хисобланади. Бунда таълим олиш, тижорат ёки саёҳат барчаси диний кўрсатмаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилса, у ҳалол туризм хисобланади. Таъкидлаш жоизки, ҳалол туризм диний туризмнинг муҳим сегменти бўлиб, у асосан шариат қоидаларига риоя қилган мусулмонларга мўлжалланган.

Қадимдан мавжуд бўлган зиёратнинг сайёхлик билан қўшилиши уни фақат диний эмас, балки дунёвий сафарга айлантириди. Шу боис диний мотивлар билан бирга дунёвий мотивлар зиёратчилар ҳаётига кириб борди. Танишув, янги билимларга эга бўлиш, эстетик завқ олиш, ижтимоийлашув каби омиллар зиёратчилар ташриф мақсадига айланади. Зиёратчи ўрнини зиёратчи сайёҳ, зиёрат ўрнини эса зиёрат туризми эгаллади. Зиёратчилар зиёрат, саёҳатчилар саёҳат мақсадида ташриф буюриши бугунги кунда умумийлик касб этмоқда десак муболага бўлмайди. Диний йўналишдаги саёҳат жаҳон мамлакатларида турлича талқин қилинса-да, аммо, мазмунан бир хил аҳамиятга эга.

Биринчи бобнинг “*Мавзу тарихшунослиги*” деб номланган учинчи параграфида диссертация мавзусига доир тадқиқотлар ва адабиётлар тарихшунослиги тўртта гурухга: *XIX аср иккинчи ярмигача бўлган тарихий адабиётлар, мустамлака даври адабиётлари, мустақиллик даври ва хорижий тадқиқотларга бўлиб таҳлил қилинган*.

Биринчи гуруҳ *адабиётларига* Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи”, Абдулкарим ас-Самонийнинг “Насабнома”, Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорийнинг “Тарихи муллозода (Бухоро мозорлари зикри)”, Фахриддин Али ас-Сафийнинг “Рашаҳот-у айн-ул ҳаёт”, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз-зоҳирин” тарихий асарлари<sup>12</sup> ва Ибн Баттута, Марко Поло, А.Женкинсон, А.Вамбери, Е.К.Мейендорф, Мир Иззатилла, П.И.Демезон, А.Бернс, Н.Хаников, Исмоилбек Ғаспаралиларнинг кундалиқ, эсдаликлари ҳамда хисоботларидан иборат китобларини келтириб ўтиш мумкин<sup>13</sup>. Юқоридаги манбаларнинг аксариятида бухоролик олим ва уламолар,

<sup>12</sup> Наршахий М. Бухоро тарихи. – Т: Камалак, 1993. – 126 б; Муин ул-Фуқаро Аҳмад Ибн Маҳмуд Бухорий. Тарихи Муллозода дар зикри мазороти Бухоро (Бухоро мозорлари ҳақида Муллазоданинг тарих китоби) / таржимон К.Рахимов. – Т: Фан, 2019. – 216 б; Али ас-Сафий. Рашаҳоту айн-ул ҳаёт. Таржимон Домулло Худойберган ибн Бекмуҳаммад / Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний., Б. Умрзок. – Т: Ибн Сино, 2004. – 291 б; Насир ад-Динал-Ханафи ал-Хасани ал-Бухари. Тухфат аз-заирин (Подарок паломникам) /Перев. X.Тураев. – Т: Splendid Idea, 2021. – 204 с.

<sup>13</sup> Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т: Шарқ баёзи, 1993. – 58 б; Книга Марко Поло / перевод старофранцузского текста И.П.Минаева. – М: изд. Географической литературы, 1956. – 370 с; Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. / перевод с английского Ю.В.Готье. – Ленинград., 1937. – 306 с; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М: Восточная литература РАН, 2003. – 320 с; Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. –М.: Восточная литература, 1975. – 183 с; Соколов Ю.А. Бухара, Самарканد, Келиф в 1813 году (Публикация отрывка из “Мир Иззет Уллы в Среднюю Азию в 1812-1813 годах” / Труды САГУ. – Вып.ХС. – Т: САГУ, 1957. – 193-217 б; Чабров Г.Н. Поездка в Бухару переводчика П.И.Демезона (1833-1834 гг.) / Труды САГУ. – Вып.XCIV. – Т: САГУ, 1957. – 109-115 б; Бернс А. Путешествие в Бухару. – М.,1848. – 514 с; Ҳаныков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб: Тип.Императорской Академии Наук, 1843. – 280 с; Ғаспарали И. Туркистон саёҳатлари (Крим-татар тилидан Тохир Қаҳхор таржимаси) // Жаҳон адабиёти. – 2010. – № 10. – Б.78-103.

зиёратгоҳлар, мозорлар тарихи, этимологияси ёритилса, саёхатчилар эсадиқларида Бухоро воҳасидаги баъзи зиёратгоҳларнинг тавсифи ва аҳолининг зиёрат маданиятига доир дастлабки маълумотлар қайд қилингани билан аҳамиятлидир.

*Иккинчи гуруҳга* Россия империяси ва Совет мустамлакачилиги даври тадқиқотлари кириб, уларни ўлканиш мақсадида келган ҳарбий зобитлар, элчилар, сайёҳлар, маҳаллий олимларнинг ишлари ҳамда совет даври хукмрон мафкурасининг тазиики остида яратилган илмий адабиётлари ташкил этади. Мазкур даврда Ю.Скайлер, И.Л.Яворский, В.Крестовский, Д.Н.Логофет ва В.Бартольд асарларида воҳанинг муқаддас қадамжоларидан бири Баҳоуддин Накшбанд зиёратгоҳи хақидаги баъзи маълумотлар қайд қилинган<sup>14</sup>.

XX аср бошларида тарихчилар М.Балжувоний, С.М.Олимий, С.Айний, А.Фитрат ва М.Сайджонов асарларида воҳа зиёратгоҳлари билан боғлиқ ривоятлар ҳамда зиёратгоҳларда бажариладиган баъзи урф-одатлар келтирилган<sup>15</sup>. В.А.Шишкун, О.А.Сухарева, А.Булатов, Л.И.Ремпель, Т.Гелаҳ каби олимлар Бухоро зиёратгоҳлари, мозорларининг номлари, жойлашуви, статистикасини илмий ўрганганд бўлса<sup>16</sup>, баъзи ишларда зиёратгоҳлар ва зиёрат масаласи хукмрон мафкура ғоясига кўра, атеистик руҳда тарғиб этилган<sup>17</sup>.

*Учинчи гуруҳ адабиётлари* мустақиллик йилларида яратилган тадқиқотлар бўлиб, улар археология<sup>18</sup>, фольклор<sup>19</sup>, меъморчилик ва

<sup>14</sup> Скайлер Ю. Туркистан: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Фулжага саёҳат қайдлари (тарж.З.Сайдбобоев). – Т: Ўзбекистон, 2019 – 334 б; Яворский И.Л. Путешествие Русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879. – СПб., 1883. – 387 с; Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. – СПб: А.С.Суворина, 1887. – 448 с; Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатомъ. том.II – СПб., 1911. – 357 с; Бартольд В.В. Места домусульманского культа в Бухаре и ее окрестностях // Сочинения. т.II. часть 2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. – М: Наука, 1964. – С. 654.

<sup>15</sup> Балжувоний М.Тарихи Нофей. – Т: Академия, 2001. – 121 б; Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистан бешиги. – Бухоро, 2002. – 202 б; Айний С. Асарлар. Том.I. – Тошкент, 1963. – 354 б; Фитрат А. Хинд сайёҳининг қиссаси/ Тожик тилидан таржимон Ҳасан Құдратуллаев // Шарқ юлдузи. – 1991. – №8. – Б.7-39; Сайджонов М. Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари / тарж.Х.Тўраев. – Тошкент, 2005. – 50 б(биринчи нашри: Маориф ва ўқитувчи журнали. 1927 йил №3-4, №9-10).

<sup>16</sup> Шишкун В.А. Архитектурные памятники Бухары. – Т: изд.Комитета наук УзССР, 1936. – 100 с; Сухарева О.А. Бухара XIX – начало XX в (Позднефеодальный город и его население). – Москва: Наука, 1966. – 166 с; Булатов А. Мавзолей Саманидов – жемчужина архитектуры Средней Азии. – Т: Гафур Гулим, 1976. – 127 с. Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи. – Т: изд.Гафур Гуляма, 1981. – 304 с;

<sup>17</sup> Петраш Ю. Қадамжолар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1965. – 106 б; Басилов В. Культ святых в исламе. – М: Мысль, 1970. – 144 с; Саксонов Т. “Муқаддас” жойлар – хурофт ва бидъат ўчоғи”. – Т: ЎзССР Медицина, 1986. 86 б; Ёқубов Б. Муқаддас” ва “қадам жой”лар – текинхўрлар уяси. – Тошкент, 1961. – 48 б; Клинович Л.И. Ислом дини ва аёллар. – Тошкент, 1957. – 48 б; Алиев М. Ислом дини ва унинг маросимлари. – Тошкент, 1958. – 83 б; Ҳақиқат ва бидъат. – Т: Фан, 1988. – 59 б.

<sup>18</sup> Некрасова Е.Г и др. Позднефеодальные некрополи Бухары как исторический источник. – Самарқанд, 1991. - 53 б; Некрасова Е.Г., Левушкина С.В. Хазира XVII в. на некрополе Чор-Бакр //Из истории культурного наследия Бухары. – Вып.2. – Бухара, 1994. – С.193-202; Некрасова Е.Г. Бухарские даҳмы // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1995. – № 5-6-7-8. – С.118-122; Альмесев Р, Некрасова Е. Некрополь Чор-Бакр. – Бухоро, 1996. – 20 б; Некрасова Е. Архитектурный ансамбль Чор-Бакр некрополь шейхов Джуйбари. – Ташкент: Vektor-Press, 2011. – 28 с; Ўша муаллиф. Архитектурные памятники Бухарского оазиса.Чашма-и Айуб. – Ташкент: Baktria press, 2019. – 136 с; Немцева Н.Б. Ханака Сайф ад-дина Бахарзи в Бухаре. – Бухара, 2003. – 214 с.

санъатшунослик<sup>20</sup>, иқтисод ва туризм<sup>21</sup> каби қатор фанлар кесимида тадқиқ этилади. Айниқса, тарих ва шарқшуносликка оид ишлар ҳам ўрганилаётган тадқиқот учун муҳим аҳамият касб этади<sup>22</sup>. Тарихчи С.Жўраева Сурхондарё вилоятидаги зиёратгоҳларни авлиёларнинг диний мавқеи ва объектларнинг меъморий даврини ҳудудий топонимлар асосида таснифлаган<sup>23</sup>. Мавзуни ўрганишга оид қатор этнографик тадқиқотлар ҳам бажарилган бўлиб, ишда улар қиёсий аҳамият касб этди. Жумладан, Н.Абулаҳатов Фарғона водийси зиёратгоҳларини хотирланишига кўра (ҳакиқий ва афсонавий шахслар), дағн этилишига кўра (машхур авлиёлар қабри, қадамжо), жойлашувига (тоғ, текислик, сув манбаи) кўра ёритган бўлса, З.Абидова Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжоларининг тавсифи, таснифи ва меъморий тузилиши ҳамда зиёратгоҳларда тақвимий ва хўжалик ҳаёти билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган маросимларни тарихий-этнологик йўналишда таҳлил этган<sup>24</sup>. Ф.Акчаев ўз тадқиқотида Жиззах воҳаси мукаддас қадамжолари ва зиёратгоҳларига тарихий-этнографик тавсиф бериш билан бирга зиёратгоҳларнинг жамият маънавий, ижтимоий ҳаётида тутган ўрнини ёритган<sup>25</sup>.

Ўзбекистоннинг турли тарихий-этнографик вилоятларидағи зиёратгоҳлар ва зиёрат одоблари ёритилган тарихий-этнографик нуқтаи назардан таҳлил этилган қатор ишларидан ҳам фойдаланилди<sup>26</sup>. Бироқ

<sup>19</sup> Сайидова М. Валий волидалар. – Тошкент: Ёзувчи, 2003. – 50 б; Ҳожа Қаъбул Ахбор Вали қиссаси. – Бухоро, 2004. – 14 б; Ражабова И. Чор Бакр. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 143 б; Ўша муаллиф. Бухорнур ёки етти пир. – Бухоро, 2012. – 381 б.

<sup>20</sup> Yusupova M. The Architecture of Sufi Complexes in Bukhara. <https://www.researchgate.net/publication/283506913>; Зоҳидов П. Баҳоуддин Нақшбанд – меъморий ҳазира. – Тошкент, 2015. – 18 б; Жумаев Қ. Шайх ул-олам ёдгорлиги // Мозийдан садо. – 2002. – №3. - 20-24 бет.

<sup>21</sup> Навруз-зода Б. Развитие дестинации маркетинга религиозного туризма в Узбекистане // Международный журнал религиозного туризма и паломничества. – 2016. – №7. – С.9-20; Таирова М. Оптимизация инфраструктуры туризма в Бухаре // Вопросы науки и образования. – 2018. – №15. – С.48-50.

<sup>22</sup> Йўлдошев Н. Бухоро авлиёларининг тарихи. – Бухоро, 1997. – 143 б; Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. – Т: Ёзувчи, 1993. – 16 б; Ҳасанов Ҳ., Наврӯзова Г. Ҳазрат Сайид Амир Кулол. – Бухоро. 1998. - 31 б; Наврӯзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. – Т: Abu-Matbuot-Konsalt, 2011. – 24 б; Альмеев Р.В. Духовные ценности семи пирров Бухары // Древнее наследие Бухары. – Бухара, 2016. – С. 26-40; Ўша муаллиф. Мавзолей Чашма-и Айуб // Древнее наследие Бухары. – Бухара, 2016. – С. 16-25; Бабажанов Б. Мир-и Араб // Культура кочевников на рубеже веков (XIX-XX, XX-XXI вв.): проблемы генезиса и трансформации. Материалы международной конференции. – Алматы, 1995. – С.88-102; Раззоков Ф., Рахимов К. Ҳожагон-нақшбандия тарикати ва етти пир. – Т: O'zbekiston, 2020. – 168 б; Рахимов К. Из цикла “Золотая сильсиля: Семь пирров” Первый пир: Ҳаджа Абдулхалик Гиждувани. – Ташкент: Splendid Idea, 2021. – 204 с; Асророва Л. Ҳожа Махмуд Анжир Фағнавий ва Мири Хурд Вобқандий. – Тошкент, 2019. – 56 б.

<sup>23</sup> Джураева С.Н. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидаги зиёратгоҳлар тарихи ва уларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётида тутган ўрни: Тарих фан.доктор...дисс. – Тошкент, 2021. – 249 б.

<sup>24</sup> Абулаҳатов Н.У. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида зиёратнинг ўрни (Фарғона вилояти зиёратгоҳлари материаллари асосида): Тарих фан.номз....дисс. – Тошкент, 2008. 153 б; Абидова З.Қ. Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари ва қадамжолари (тарихий-этнологик тадқиқот): Тарих фан.фалс. доктор....дисс. – Тошкент, 2018. – 174 б.

<sup>25</sup> Акчаев Ф.Ш. Жиззах воҳаси мукаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари (этносоциологик тадқиқот): Тарих фан.фалс доктор...дисс. – Тошкент, 2019. – 159 б.

<sup>26</sup> Аширов А. Ўзбек ҳалқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – 276 б; Қурбонова М. Феномен қульта Фатимы в этнической культуре народов Бухарского оазиса // Материалы IV Международной научной конференции «Кадырбаевские чтения- 2014». – Актобе, 2014 – С.263-365; Маликов А. Святые места Туркестанского региона: особенности истории и современность // Локальные религиозные верования в Центральной Азии. Материалы международного

юқоридаги ишларда Бухоро воҳаси зиёратгоҳлари маҳсус тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган.

Тўртинчи гуруҳ *адабиётлари* хорижий муаллифлар тадқиқотларидан иборат бўлиб, уларда Бухоро воҳаси зиёратгоҳлари, зиёрат сайёҳлигининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари антропологик тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган. Дунё ҳалқлари ҳаётида зиёрат ва сайёҳлик жараёнларининг амалга ошишининг назарий жиҳатлари<sup>27</sup>, Ўзбекистон худудлари бўйича қилинган тадқиқотларидан ҳам ишда қиёсий ўринларда фойдаланилган<sup>28</sup>.

Ўзбекистонда зиёрат ва зиёратгоҳ мавзуси ҳалқ эътиқодий қарашлари, ахоли турмуш тарзи ва миллий қадриятлар тизимидағи ўрни сифатида ўрганилган бўлса, тадқиқотда зиёрат сайёҳлигининг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан сайёҳлик антропологияси йўналиши сифатида Бухоро воҳаси мисолида ўрганилди.

Мавзунинг тарихшунослик таҳлилига кўра, турли тарихий даврларда зиёратгоҳлар ва зиёрат туризми муаммосига оид кўп тадқиқотлар турли фанлар кесимида у ёки бу жиҳатдан илмий тадқиқ этилганига қарамай, воҳа зиёрат сайёҳлигининг ривожланиши масаласи антропологик жиҳатдан ўрганилмаган.

Диссертациянинг “Бухоро воҳасида зиёрат сайёҳлигининг ўзига хос хусусиятлари”деб номланган иккинчи бобида воҳада зиёрат сайёҳлигининг шаклланиш жараёни, унинг шакллари, турлари, зиёрат сайёҳлиги обьектларининг таснифи, тавсифи ҳамда зиёратдаги этикет ва қоидалар ёритиб берилган.

---

научного семинара. – Алматы: Мир, 2017. – С. 129-144; Ҳайитова Ф. Ўзбек ҳалқи этномаданиятида зиёрат ва зиёратгоҳлар тарихи (Қашқадарё воҳаси мисолида): Тарих фан.фалс доктор....дисс. – Тошкент, 2021. – 140 б; Жумаева Ш. Тошкент вилояти зиёратгоҳлари: ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари: Тарих фан.фалс доктор....дисс. – Тошкент, 2022. – 157 б.

<sup>27</sup> Житенёв С.Ю. Религиозное паломничество в христианстве, буддизме и мусульманстве: социокультурные, коммуникационные и цивилизационные аспекты. – Индрік, 2012. – 186 с; Jackowski A. Religious Tourism – Problems with Terminology// Peregrinus Cracoviensis Zeszyt. – 2000. – №10. – P.63-74; Holderness G. Rome: multiversal city: The material and the immaterial in religious tourism // Cross Currents. – 2009. – September. – P.342-348; Гужина Г.Н., Гужин А.А. Религиозный туризм как сегмент современного туристского рынка //Физическая культура. Спорт. Туризм. Двигательная рекреация. – 2016. Т.1. – №2. – С.25-28; Христов Т.Т. Религиозный туризм. – Москва: Академия, 2005. – 288 с; Collins-Kreiner N. Pilgrimage-Tourism: Common Temes in Different Religions // International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage. – 2018. – vol 6. – P.8-17; Olsen D.N and Timothy D.J. Tourism and religious journeys // Tourism, Religion and Spiritual Journeys. – London and New York: Taylor & Francis e-Library, 2006. – P.7-8; Ebadi M. Forms of Pilgrimage at the Shrine of Khâled Nabi, Northeastern Iran // International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage. – 2015. – vol 3. – P.66-78; Jafari J. Editor’s Page // Annals of Tourism Research. – 1977. Special Number. – October/December. – P.6-11; Гурин С. Туризм как антропологический феномен // Топос. <https://www.topos.ru/article/2169>. 23.03.2004; Di Giovine M.A. Tourism Research as "Global Ethnography" // Anthropologies: a Collaborative Online Project. – April 15, 2011. from [https://digitalcommons.wcupa.edu/anthrosoc\\_facpub/119](https://digitalcommons.wcupa.edu/anthrosoc_facpub/119); Smith V.L. Introduction: The Quest in Guest // Annals of Tourism Research. – 1992. – №19. – P.1-17.

<sup>28</sup> Березников Е.Е. Святые ислама. – Казань: Татарское книжное издательство, 1996. – 160 с; Аверьянов Ю.А., Башарин П.В. Мазар Баҳа’ад-дина вчера и сегодня // Центральная Азия. Традиция в условиях перемен. Вып.2. – СПб, 2009. – С.292-323. Abramson D.M., Karimov E. Sacred Sites, Profane Ideologies:Religious Pilgrimage and the Uzbek State. Everyday Life in Central Asia Past and Present. – Indiana University Press, 2007. – P. 319-338.

Мазкур бобнинг “*Воҳада зиёрат сайёҳлигининг тараққиёт босқичлари, унинг замонавий шакл ва турлари*” деб номланган биринчи параграфида воҳада мустақиллик йилларида зиёрат сайёҳлигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, турлари, шакллари ва кўринишлари ҳамда хусусиятларга кўра таснифланиши таҳлил этилган.

Сайёҳлик XIX асрда пайдо бўлган бўлса<sup>29</sup>, зиёрат сайёҳлиги XX асрнинг 90-йилларида юзага келди<sup>30</sup>.

Бухоро воҳаси зиёрат сайёҳлигининг ривожланиши хусусиятлари мустақиллик даври билан боғлиқ бўлиб, соҳа тараққиётига сабаб бўлган қатор омилларни ўрганиш натижасида *тикланиши даври* (1991-1999); *ривожланиши даври* (2000-2016) ва *юксалиши давр* (2017 йилдан ҳозиргача) ларига бўлиб таҳлил этилди.

*Мустақилликнинг тикланиши даврида* Бухоронинг 2500 йиллиги, бухоролик буюк алломалар юбилейларининг нишонланиши, ҳалқаро ташкилотларга аъзолигига кириш натижасида зиёратгоҳлар обод этилди, ёдгорликлар таъмирланди, тарихий музейлар очилиб, туризм соҳасини йўлга қўйиш ишлари олиб борилди. *Ривожланиши даврида* инфратузилмани шакллантириш, транспорт ва коммуникацияни яхшилашга эътибор қаратилди. *Юксалиши даврида* эса икки қўрсатилган даврдан фарқли жиҳати зиёрат туризми атамаси кириб келди. Биринчи марта зиёрат сайёҳлиги сайёҳликнинг янги ва истиқболли йўналиши сифатида эътироф этилди ҳамда иқтисодиётнинг драйвер соҳасига айланди.

Умумжаҳон қабул қилинган таснифга кўра Бухоро воҳасида зиёрат сайёҳлигини географияси (ички ва ҳалқаро), ташкил этилиши (ташкиллаштирилган ва мустақил), мақсади (соғломлаштириш, танишув, қариндошларни кўриш), иштирокчилар сони (якка, оиласи, жамоавий), давомийлиги (узун, қисқа), мавсуми (йил давомида, байрам кунлари)га ажратиб таҳлил этилди.

Ўрганилган тадқиқот давомида зиёратчилар ёши сўровнома натижаларидан маълум бўлишича, эркакларда 18-35 ёш, аёлларда 46-59 ёш тоифасини кўрсатди. Зиёратда гендер тенглигини кузатиш мушкул. 40-50 ёшдан кейин инсоннинг хаёт ҳақида қарашлари, тафаккури, фалсафаси юқори босқичга кўтарилиб, зиёратга рағбати ошади. Айни мазкур ёшда зиёратда аёллар жамоасининг кўплиги намоён бўлди. Эркаклар доимий меҳнат фаолияти билан машғул, аёлларда эса ўзи ва оиласи учун ибодат қилишида имконият кўпроқ бўлади. Мотивларни таҳлил қиласиган бўлсак, ўзи ва оиласи учун ибодат қилиш эркакларда 29,3%, аёлларда 70,7%, ўтганлар хотирасига хурмат эркакларда 32,1%, аёлларда 67,9%ни ташкил этди.

<sup>29</sup> Голомидова О.Ю. Туризм как феномен городской культуры. Автореферат дисс...к.к.н. Екатеринбург, 2019. – С.7.

<sup>30</sup> Квартальнов В.А. Культурный туризм во имя мира и развития: вступление в XXI век // Культурный туризм для мира и развития: Сб. докл. и тез. междунар. науч. конф. – М, 2000. – С.19.

Зиёрат давомийлиги кузатилганда аксарият хорижий зиёратчилар Бухорода 3 кунгача қолиши ва маҳаллий зиёратчиларнинг 68,4%и ҳам 1-3 кун оралиғида қолиши аниқланди.

Бухорода сайёхлик мавсумини баҳорги (28 мартдан 3 майгача), ёзги (3 майдан 15 июнгача) ва кузги (12 августдан 10 ноябргача) мавсумларга бўлиб ўрганилди. Баъзи ҳолларда қишиги мавсум ҳам мазкур бўлинишга кириб, бу мавсум 28 декабрдан 10 январгача бўлган даврни қамраб олади. Асосан, ёзги мавсумда руслар, қозоқлар, қирғизлар, татарлар, кузги мавсумда японлар, французлар, мусулмон дунёси зиёратчилари, қишиги мавсумда таътил ҳамда янги йилни кутиб олиш мақсадида Россия Федерацияси сайёхлари ташриф буюришади. Энг узун мавсум кузги 98 кун, ўрта мавсум ёзги 48 кун ва қиска мавсум баҳорги 44 кунни ўз ичига олади. Тадқиқот давомида энг фаол ва интенсив мавсум баҳорги мавсум бўлиб, иқлим, табиий, вақт, ёши ҳамда гастрономик омиллар энг фаол мавсум бўлишига сабаб эканлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, воҳа зиёрат сайёхлиги худуд ландшафти, жойлашуви, табиати ва бошқа қатор хусусиятларига кўра турли кўринишларга эга бўлади. Шунингдек, зиёрат сайёхлиги тур ва шаклларини таснифий гурухлаш унинг жозибадорлигини ошириш, ташриф мотивларини уйғотишда катта хизмат қилмоқда.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “*Зиёрат сайёхлиги объектларининг таснифи ва тавсифи*” деб номланиб, унда зиёрат сайёхлиги объектлари таснифи воҳа зиёрат сайёхлиги объектлари типи, даражаси ва бошқа маҳаллий хусусиятларига кўра тавсифланган.

Зиёрат сайёхлиги объектларини шартли равишда икки гурух, яъни танишув мақсадидаги экспедициян зиёрат ва зиёрат туризми объектларига бўлиш мумкин. *Биринчи гуруҳга* киравчи жойларга тарихий-меъморий ёдгорликлар, ислом қурилиш санъати намуналари кириб, унга ташриф буюрувчилар асосан дунёвий мотивга эга бўлади ва биноларнинг маҳобати, қурилиш услуби, безак техникалиридан экзотик завқ олади. Масалан, Бухоро шаҳрида 530 та тарихий обида мавжуд бўлиб, шундан 130 таси ЮНЕСКОнинг жаҳон мерослари рўйхатига киритилган<sup>31</sup>. Вилоятда ҳозирги кунда 31 та мадраса (200 та бўлган), 105 та масжид (360 та бўлган), 9 та минора (20 тадан ортиқ бўлган) 14 та мақбара, 133 та архитектура ансамбллари, 4 та тим ва тоқлар (6 та бўлган), 18 та диққатга сазовор жойлар, 13 та ховуз (103 та бўлган), 122 та қадимий уй-жойлар, 83 та архитектура ёдгорликлари ва 17 та монументал ёдгорликлари мавжуд.

*Иккинчи гуруҳга* киравчи зиёратгоҳ, муқаддас жой, мақбара ва даҳмалар зиёратига ташриф буюрувчилар кўпроқ пайғамбарлар, саҳобалар, авлиёлар, дин уламолари, тариқат намояндадарининг қабри ва рамзий қадамжоларини зиёрат қилишади. Бунда зиёратчи сакрал (илохий) ҳудуд

<sup>31</sup> Tourism in Central Asia cultural Potential and Challenges. – Toronto: Apple Academic Press. 2014. – P.73.

муҳитига боғланиб қолади. Тадқиқот давомида воҳадаги 256 та зиёратгоҳ рўйхати шакллантирилган. Биргина Бухоронинг 555 гектарлик эски шаҳар қисмида 83 та зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар борлиги кўрсатилган. Эски шаҳар қисмидаги аҳоли хонадонларида сақланиб қолинган Сабри Вали, Хўжа Хофиз, Маллапўш, Кабўдпўш, Ҳасан Намадпўш, Аҳмад Дониш ибн Сулеймон, авлиё Муродбахш каби авлиёларнинг қабрлари ҳам тузилган харитага киритилиб, зиёрат сайёҳлиги учун янги йўналиш эканлиги асослаб берилган.

Воҳа зиёратгоҳлари қуйидаги хусусиятларига кўра таснифланди: *Исломгача бўлган сизинадиган жойлар; Пайғамбарлар ва уларнинг авлодлари билан боғлиқ қадамжолар; Тасаввуф алломалари билан боғлиқ зиёратгоҳлар; Авлиё даражасига кўтарилган машойих ва олимлар зиёратгоҳлари; Ҳунармандчилик тирлари билан боғлиқ қадамжолар; Подшо ва амалдор тоифаларининг зиёратгоҳлари; Аёллар номи билан аталувчи зиёратгоҳлар; Шифобахшилик хусусиятига эга бўлган зиёратгоҳлар; Табиат культи билан боғлиқ зиёратгоҳлар; Конфессионал зиёрат объектлари ва “Табаррук инсонлар” зиёрати.*

Этносоциологик тадқиқотлар натижасига кўра, зиёратчиларнинг зиёратгоҳда ўзини қайдай киши сифатида тасаввур қилиши таҳлил этилганда, 60% зиёратчи ва сайёҳ деб жавоб берган<sup>32</sup>. Демак, зиёратчи ҳам диний, ҳам дунёвий вазифани биргаликда бажармоқда. Мазкур таҳлил орқали “ҳам зиёрат, ҳам тижорат” деган халқона накл ўз тасдигини топганлигини кўриш мумкин.

Иккинчи бобнинг “Зиёратдаги этикет ва қоидалар” номли охирги параграфида зиёрат этикети, тартиб-қоидалари таҳлил этилган. Шунингдек, воҳада зиёрат одобининг қабр аҳлига салом бериш, куръон тиловат қилиш, курбонлик тартиблари кўрсатиб берилган. Аҳолининг зиёрат вақтида қабрлардан нажот излаш, зиёратгоҳ атрибуутларнинг муқаддаслаштирилиши ва авлиёлар ҳаққига эҳсон сингари бидъат амаллар дала материаллари асосида аниқланган. Зиёратнинг қоидасини зиёратчилар эътиқоди, турмуш тарзи ва дунёқарашига кўра турлича тасаввур этишади. Бу борада маҳаллий зиёратчилардан олинган сўровнома натижаларига кўра, зиёрат этикетига респондентларнинг 37,3%и кийиниш маданияти, 16,7%и бидъат амалларни бажармаслик, 28,7%и таҳорат билан зиёратга бормоқ, 10%и зиёратгоҳни тоза сақлаш, 4%и жавоб беришга қийналаман, 3,3% бошқаларни билдиришган<sup>33</sup>. Аксарият респондентлар кийиниш маданияти зиёрат этикетининг асоси деб қайд этишган. Зиёратга сипо, одми, камтарона, ёпинган холда, узун либосда, бошда рўмол, яна, миллий либосда бориш керак деган жавоблар берилган. Воҳада энг кўп қайд этилган жавоблардан таҳоратли бўлиб зиёратга бориши хисобланади. Ҳалол, пок бўлиб юриш, зиёратгоҳларга таҳоратли бўлиб бориш мусулмончиликнинг асосий мезонларидан биридир.

<sup>32</sup> Этносоциологик тадқиқот натижалари. Бухоро, 2021.

<sup>33</sup> Этносоциологик тадқиқот натижалари. Бухоро, 2021.

Зиёрат қоидаларига амал қилиш зиёратчининг руҳий ва жисмоний саломатлигига ҳам катта таъсир ўтказади. Зиёратгоҳларда ўтказилган дала кузатувлари шуни кўрсатадики, шам ёқиши, зиёратгоҳ атрибутларини муқаддаслаштириши каби амаллар зиёратчиларнинг ниятларига эришиш йўлида воситачи, нажот ва мадад излаш деб тушунилади. Масалан, аҳоли орасида “авлиё худо не, лек аз худо жудо не”, яъни, “авлиё худо эмас, лекин, худодан айри эмас” сингари иборалар ҳозиргacha сақланганлиги фикримиз далилидир<sup>34</sup>. Қолаверса, зиёратгоҳ нафақат ибодат, балки жисмоний ва маънавий қувват маскани эканлиги асосланган.

Диссертациянинг “**Воҳада зиёрат сайёҳлигининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ва ривожлантириш истиқболлари**” деб номланган учинчи бобида воҳа ижтимоий-иқтисодий ривожланишида зиёрат туризмининг ўрни, зиёрат сайёҳлиги инфратузилмасининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда воҳада зиёрат туризмининг ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилган.

Бобнинг “*Бухоро воҳаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишида зиёрат сайёҳлигининг ўрни*” номли биринчи параграфи аҳоли даромадлари ва давлат бюджетига тушаётган маблағларга бағишлиланган.

Сайёҳлик даромадининг биринчи навбатда маҳаллий аҳолига фойда келтириши воҳа иқтисодиётининг бошқа соҳаларидан ажралиб турадиган жиҳатидир. Аҳоли асосан ҳунармандчилик маҳсулотлари, сувенирларни сотиш ва уй-мехмонхоналарда хизмат кўрсатишдан даромад топмоқда.

Хорижий зиёратчилар асосан гулқайчи, сўзана, гилам ва ипак матолар кўп харид қилишмоқда. Айниқса, қайчиларнинг кескирлиги ва сифати японлар харид қилиши учун бош омил. Шунингдек, японлар “Икебана” – “жонли гуллар” анъанасида гулларни кесиш учун, айрим касби шифокор бўлган япон сайёҳлари гапиролмайдиган болалар танглайнин кесиш учун харид қилишади<sup>35</sup>.

Ҳар бир ташриф буюрувчи Бухородан анор гули туширилган сўзанани олиб қайтади. Бунга сабаб анор қадимдан серфарзандлик, тўкинлик, баҳт, мухаббат ва кўпайиш рамзи бўлиб келган. Италияликлар феруза рангли сўзаналарни инсонни тинчлаштириш, японияликлар дараҳт тасвири акс этган сўзаналарни тириклиқ, барҳаётлик тимсоли сифатида, французлар чаён акс этган камарларни ёмонликлардан сақланиш, куч-қувват мақсадида харид қилиши тадқиқот давомида кузатилди. Жумладан, ҳиндистонликлар сўзана сумкаларни, қозоқлар ойнахалта, ёстиқ жилдларини юқори қадрлашади. Арабистонликлар сўзанани ерга тўшаш учун, россиялик ва америкаликлар деворга илиш учун олишади. Ҳатто туркияликлар маҳаллий ҳунармандлардан катта ҳажмда олиб, ўз юртига сотишади<sup>36</sup>.

<sup>34</sup> Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Бухоро шахри, Мирзо Улугбек маҳалласи. 2020 йил.

<sup>35</sup> Дала ёзувлари. Бухоро шахри, Жалол Икромий маҳалласи. 2019-2020 йиллар.

<sup>36</sup> Дала ёзувлари. Бухоро шахри, Кўкаaldoш маҳалласи. 2020 йил.

Маҳаллий зиёратчиларнинг зиёратгоҳлардан маҳсулот харид қилиши таҳлил қилингандан 32,9%и ибодат анжомларини харид қилиши маълум бўлди<sup>37</sup>. Сўнгги йилларда диний соҳада амалга оширилган ислоҳотлар, динга бўлган ишончнинг мустаҳкамланиши, эркинликлар яратиб берилаётгани аҳолининг ибодатга бўлган хоҳиш-истагини оширган. Зиёратчиларнинг зиёратгоҳларда қанча пул сарф қилиши таҳлил этилганда, кўпчилик, яъни 43,8%и 100 – 500 минг сарфлаши аниқланди<sup>38</sup>. Пулларнинг қай мақсадларда сарфланиши интервьюлар асосида таҳлил этилганда, уларни икки гурухга бўлишга тўғри келди. *Диний мотивдаги зиёратчиларнинг харажатлари* асосан эҳсон қутиласига пул ташлаш, курбонлик қилиш ва диний уламоларга инъом тарқатишга қаратилган. *Дунёвий мотивдаги зиёратчиларнинг харажатлари* сувенир, хунармандчилик маҳсулотлари, зираворлар, доривор гиёҳлар ва миллий шириналар ҳарид қилиш, эсадалик учун суратга тушиш кабиларни ўз ичига олади.

Воҳанинг йирик зиёратгоҳлари атрофида маҳаллий аҳоли уй меҳмонхоналари ташкил этгани аниқланди. Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи атрофидаги Қасри Орифон, Кулолон қишлоқларидағи Боғи Шамол, Тадбиркорлар кўчаларида 20 дан ортиқ хонадонларда мана шундай хизматлар йўлга қўйилган. Бир неча йиллардан буён келиб кетаётган зиёратчилар аллақачон хонадонларни “Бахтиёрбек уйи”, “Шарофбой уйи”, “Гуласар хостел” номлари билан эслаб қолишган.

Давлат бюджетига тушаётган даромадлар асосан *маданий мерос обьектлари ва музейларга ташрифлар* хисобига тўғри келади. Таъкидлаш жоизки, тарихий шаҳарда яшаш имкониятларидан маҳаллий аҳоли у ёки бу даражада фойдаланиб даромад топмоқда. Чунки “*сайёҳлик шаҳрида яшаб тил билмаслик ва ундан фойдаланмаслик увол*” деган тушунча аксарият воҳа аҳолисининг олтин қоидасига айланган<sup>39</sup>.

*Зиёрат сайёҳлиги инфратузилмасининг маҳаллий хусусиятлари* номли иккинчи параграф меҳмонхона хизмати зиёратчи ёхуд саёҳатчини биринчи навбатда сайёҳлик эҳтиёжларини қондирувчи омил эканлигига бағишлиланган. Воҳада меҳмонхона кўринишида зиёратчиларга хизмат кўрсатиш XX асрнинг 70-йилларидан бошланган<sup>40</sup>. Бухоронинг тарихий ва маданий ёдгорликлари билан танишиш мақсадида ташриф буюраётган сайёҳ ва зиёратчилар учун вактинча яшаш имкониятини яратиб берувчи “Кўкалдош” Бухоро экспурсия базаси ташкилоти<sup>41</sup> фаолият кўрсатган. Ташкилотнинг 1979 йил 19 декабрь маълумотига кўра шаҳардаги ёдгорликларнинг 83 та хужрасида 190 та ўрин меҳмонларга доимий хизмат кўрсатганлиги аниқланган<sup>42</sup>. Бугун Бухоро вилоятида жойлаштириш

<sup>37</sup> Дала ёзувлари. Когон тумани, Қасри Орифон қишлоғи. 2021 йил.

<sup>38</sup> Этносоциологик тадқиқот натижалари. Бухоро, 2021.

<sup>39</sup> Дала ёзувлари. Бухоро шаҳри, Кўкалдош маҳалласи. 2019 йил.

<sup>40</sup> Бухоро вилоят давлат архиви, 1270-С-жамғарма, 1-рўйхат, 51-йиғмажилд, 50-варак.

<sup>41</sup> Бухоро вилоят давлат архиви, 1270-С-жамғарма, 1-рўйхат, 51- йиғмажилд, 142-143-варак.

<sup>42</sup> Бухоро вилоят давлат архиви, 1270-С-жамғарма, 1-рўйхат, 51- йиғмажилд, 89-варак.

воситалари 2017 йилда 114 та, 2019 йилда жами 173 та бўлган бўлса<sup>43</sup>, 2020 йилда уларнинг сони 366 тага етди. Уларнинг 41%и (151 та) меҳмонхона, 50%и (178 та) оиласий меҳмонхона, 9%и (35 та) хостел сифатида фаолият кўрсатмоқда<sup>44</sup>.

Бухорога ташриф буюрган зиёратчилардан “Қаерда туаб қолишни афзал кўрасиз?” деган саволга респондентларнинг 98%и меҳмонхона ва қолганлари қариндошлар ва хусусий тураржой деб жавоб берган. Меҳмонхонани танлашда респондентларнинг 54%и ҳалол стандартлари, 14%и нархлари, 13%и эски шаҳарда жойлашганига, 9%и қадимий услубда курилганига, 7%и таомномасига ва 3%и бошқа жихатларига эътибор қартишини билдирган<sup>45</sup>. Шу боис меҳмонхона ташриф буюрувчи учун энг маъқул жой саналади.

Бухородаги меҳмонхоналарни жойлашуви, шакли, тури ва тоифасига кўра тарихий ёдгорликларда ташкил этилган, қадимий ҳовлиларда ташкил этилган, анъанавий миллий услубда курилган, шаҳарнинг тарихий марказида жойлашган, ҳалол стандартидаги меҳмонхоналарга ажратган ҳолда ёритилган.

Мусулмон давлатлари зиёратчилари учун “ҳалол сайёхлик” талаблари асосидаги меҳмонхоналарда намозхона, қиблани кўрсатувчи белги ва намоз вақтлари тахтачалари ташкил этилмоқда. Бундай меҳмонхоналар “шариатга хос (*Sharia compliant hotels*)”, “мусулмонларга қулаги мөхмонхоналар (*Muslim-friendly hotels*)” номлари билан аталади. Мусулмон-сайёхларни жалб этиш учун “исломий”, “диний” “консерватив”, “муқобил”, “ёпик” ва бошқа меҳмонхона номларидан фойдаланишмоқда<sup>46</sup>. Бухорода ҳалол талабларга жавоб берадиган “Emirs Garden”, “Жондор”, “Шахристон”, “Голубие купола”, “Атлас”, “Шарқ”, “Rangrez”, “Poykent Bukhara” каби 10 га яқин меҳмонхонани ҳалол сертификатига киргизиш учун амалий ишлар олиб борилаётганлиги аниқланди.

Воҳага мусулмон мамлакатларидан зиёратчилар ташрифининг ошиши ҳалол стандартларини жорий қилишни тезлаштирумокда. Бунга сабаб Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларга қўшилиши воҳани “мусулмон саёҳати” ва “исломий саёҳат” бренди остида тарғиб этмоқда. Бухоро воҳасида қадимдан мавжуд бўлиб келган зиёрат анъанаси бугун туризм ташкилотлари томонидан сайёхликнинг янги бир турига айлантирилди.

Бобнинг “Воҳа зиёрат сайёҳлигидаги муаммолар ва соҳани ривожлантириши истиқболлари” деб номланган учинчи параграфида соҳа ривожланишига тўсиқ бўлаётган турли муаммолар тадқиқот давомида аниқланди ва улар қуйидагича таснифланди.

<sup>43</sup> Бухоро вилоятида туризм ва дам олиш соҳаси ривожланишининг асосий кўрсаткичлари оид вилоят статистика бошқармаси маълумотлари. 2019 йил / [www.buxstat.uz](http://www.buxstat.uz).

<sup>44</sup> Бухорога 2021 йилнинг тўққиз ойи давомида 141 мингдан ортиқ сайёх ташриф буюрган. URL:<https://yuz.uz/news/> (Мурожаат килинган сана: 29.04.2021).

<sup>45</sup> Этносоциологик тадқиқот натижалари. Бухоро, 2021.

<sup>46</sup> Value of Islamic Tourism Offering: Perspectives from the Turkish Experience. World Islamic Tourism Forum (WITF 2011). Kuala Lumpur. – 2011. –P.12.

*1. Зиёрат йўналишидаги.* Воҳа зиёратгоҳларига олиб борувчи йўллар таъмири, таҳоратхоналар, етти пир зиёрати йўналишда овқатланиш шахобчаларининг деярли йўқлиги, сайёҳлик йўналишида ўриндиклар сонининг камлиги, тарихий бинолардан кафе-бар сифатида фойдаланиш, санитария-гигиена ҳолати, обидалар реставрацияси, зиёратгоҳларга кириш тўловини бекор қилиш ва зиёрат одобига риоя қилиш билан боғлиқ масалалар.

*2. Хизмат кўрсатиш бўйича.* Авиачипталарнинг қимматлиги, яшил худудлар камлиги, микроиклимни яхшилаш, салқин ичимликлар хизмати, тез тиббий ёрдам, гид бошловчиларнинг муомала маданияти, ҳалол ресторонлар, банкоматлар камлиги, ҳунармандларнинг хорижий валютада савдо қилишидаги тўсиқлар.

*3. Мехмонхона хўжалиги оид.* Гигиеник душларни ташкил этиш, пул муомаласи, ичимлик суви билан боғлиқ масалалар.

“Воҳада зиёрат сайёҳлигини ривожлантиришда нималарга эътибор қаратиш керак” саволга респондентларнинг аксарияти хизмат кўрсатишни такомиллаштириш (24%), нархларни арzonлаштириш (17%), обидаларни таъмирлаш (12%), транспорт тизимини яхшилаш (10%) деб жавоб беришган.

Истиқболда Бухорони зиёрат сайёҳлиги марказига айлантириш мақсадида “Умра+”, “кичик ҳаж” дастурларини амалга ошириш, “Имом Бухорий” зиёрат туризми йўлдош телеканалини ташкил этилиши, 7 пир зиёратгоҳларини боғловчи электрлаштирилган темирийўл қуриш, Ипак йўли брендини кучайтиришни амалга ошириш мақсадга мувофик.

Умуман олганда, воҳада зиёрат туризми сайёҳликнинг бошқа йўналишлари қатори жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига таъсир кўрсатмоқда. Бу борада давлат томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар соҳанинг етакчи ва истиқболли тармоққа айланишига кўмаклашмоқда. Ҳудудда мавжуд зиёрат обьектлари сабаб шаҳарга ташриф оқими юқори, бу эса ўз навбатида аҳолини доимий ва мавсумий иш билан таъминлаш, иқтисодий фойда кўришига ҳам имконият яратмоқда. Эндиликда зиёратгоҳлар эътиқод, маънавий озуқа олиш маскани бўлиши билан бирга, сайёҳлик обьектига айланди. Ҳозирги кунда воҳада зиёрат сайёҳлиги яхлит тизим, ягона саноат сифатида ривожланиб бормоқда. Мехмон ва мезбон муносабатлари асосида зиёратчиларни қийнаётган муаммолар ўрганилиши соҳа ривожи учун таклифлар ишлаб чиқиш имкониятини яратмоқда.

## **ХУЛОСА**

Диссертация натижалари ва илмий таҳлиллар асосида қўйидаги хулосаларга келинди:

1. Бухоро воҳасида зиёрат сайёхлиги ривожланиши ўзига хос маҳаллий аҳамият касб этиб, узоқ тарихий даврлар мобайнида шаклланган ва мустақиллик йилларида тарихий шарт-шароит, ҳаётй зарурат, талаб ва эҳтиёж, давлат ислоҳотлари натижасида тараққий этмоқда. Бухоро воҳасида зиёрат сайёхлиги тараққиёт босқичларининг учинчи даври, яъни юксалиш босқичида исломий сайёхлик, ҳалол саёҳат ривожлангани, шаҳарнинг исломий мероси жаҳонда кенг тарғиб этилгани, мусулмон зиёратчиларни қабул қилувчи сайёхлик ташкилотлари сонининг кўпайгани, “ҳалол” сертификатига эга меҳмонхона, овқатланиш обьектларининг ташкил этилгани, Ўзбекистонга кириш талабларининг соддалаштирилгани билан бевосита боғлиқ.

2. Европа ва Америка олимларининг туризм антропологиясига оид “меҳмон-мезбон”, “глобал этнография”, “виртуал этнография”, “учинчи макон” назарий ёндашувлари асосида зиёрат сайёхлигининг Бухоро воҳаси учун кучли ва заиф томонлари, имконият ва муаммоларини, ташриф буюрувчи ва қабул қилувчи томоннинг ўзаро муносабатлари, шахс ҳаётидаги ўзгаришлар, индивидуаллик ва жамоавийлик, диний ва дунёвий мотивларни таҳлил қилиш имконини берди.

3. Зиёрат туризми тушунчаси фақат маълум бир соҳа ёки фанга хос бўлмай, балки фанлараро тадқиқот обьекти эканлиги унинг диний, маданий, иқтисодий, географик ва ҳукуқий таърифларига кўра аниқланди. Замонавий зиёрат сайёхлигига воҳа зиёратгоҳларига зиёратчиларининг ташриф мотивларини кузатиш натижасида ҳозирда диний ва дунёвий мотивлар тенглиги аниқланди.

4. Бухоро воҳасида зиёрат сайёхлигининг ривожланиши ҳалол стандартлари (меҳмонхоналарда гигиеник душ, қибла кўрсаткичлари, Куръон китобларини ташкил этиш, эркаклар ва аёллар бўлинмаларига ажратиш) ҳамда ISO сертификати (экологик тоза қофоз, ҳаво вентиляцияси, намлик ва иссиқлик температураси) талабларини жорий этишни тезлаштириди.

5. Бухоро воҳасининг 13 та туман ва шаҳарларида таҳминан 500 га яқин катта-кичик зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар таърифлари хариталаш усулида илмий истеъмолга олиб кирилди. Уларнинг аксарияти маҳаллий даражадаги зиёратгоҳ сифатида қолиб кетган бўлиб, давлат ва масъул ташкилотлар томонидан республика даражасидаги зиёрат туризми обьектига ҳам айлантирилмаган. Умуман айтганда, обьектлар таснифи зиёратчи ва сайёхларнинг тоифаси турлича эканлиги, мотивлар хилмачиллигини кўрсатди.

6. Воҳада ўтказилган дала тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ғарб мамлакатлари сайёхлари Бухорога Буюк ипак йўлининг экзотик шаҳрини кўриш, шарқона қадриятларни хис этиш, ўзга юрт дини ва маданияти билан танишиш, хавфсиз саёҳат мамлакати каби мотивлари билан, мусулмон мамлакатлари сайёҳ ва зиёратчилари эса Имом Бухорий юртига саёҳат, Нақшбандия таълимоти асос солинган юрт, ислом оламининг шариф шаҳри каби мотивлари билан ташриф бујурмоқда.

7. Зиёрат туризмининг ривожланиши натижасида зиёратгоҳлардаги этикет ва қоидаларга амал қилиш муносабатлари ўзгармоқда. Аксарият зиёратчилар ислом динининг қонун-қоидаларини ўрганиш, чин маънода муслим ва муслима бўлишга интилиши сабаб зиёрат обьектларига ёпинган ва озода ҳолатда ташриф бујурмоқда. Зиёратгоҳларда зиёрат амалларини бажаришда етарли шарт-шароитлар, яъни, қурбонлик маросими хоналари ташкил этилгани, зиёрат одоби, зиёратгоҳлар тарихи пешлавҳалари, кўрсаткич белгиларининг ўрнатилиши зиёрат давомида хато ва номақбул амалларни бажаришнинг олдини олмоқда.

8. Зиёратгоҳларнинг халқаро туризм обьектига айланиб бориши атрофда яшовчи маҳаллий аҳолининг иқтисодий, маънавий жиҳатдан бойишига олиб келди. Зиёратгоҳларда хизмат кўрсатиш соҳалари йўлга қўйилиб, аҳолининг қундалик даромад манбасига эга бўлиш имконияти яратилди. Воҳада зиёрат сайёҳлигини ривожланиши нафақат аҳоли турмуш даражасининг ўсиши, иқтисодий даромаднинг ошишига, балки, ҳудуд тарихи, маданияти тарғиб этувчи, асрий қадриятларни ташувчи мухим элемент эканлиги маълум бўлди.

9. Бухорода зиёрат туризмининг яхлит инфратузилма даражасида ривожланиши меҳмонхона хизмати тоифаларининг шаклланишига олиб келди. Дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф бујурган сайёҳ ва зиёратчиларнинг талаб ҳамда таклифларига мос меҳмонхоналар ташкил этилди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳалари, меҳмонхоналарнинг кўплиги ва хилма-хиллиги, янги қулайлик ва имкониятлар сайёҳлар оқимининг йилдан йилга кўпайиши, уларнинг воҳага қайта ташриф буориши учун асосий омил бўлиб қолмоқда.

Холосалардан келиб чиқиб қўйидаги амалий **таклиф ва тавсиялар** илгари сурилди:

Бухоро вилоят туризм ва маданий мерос бошқармаси зиёрат туризмининг қўмсаш(ностальгия), даволаниш турларини оммалаштириш, турли зиёрат маршрутларини ишлаб чиқиш ва зиёрат туризми миллий брендини яратиш;

Зиёратчилардан ҳар йили тушадиган талаб ва таклифлар, мулоҳазаларини жамлайдиган, ўрганадиган ҳамда бартараф этувчи, умумий мониторингини олиб борувчи электрон платформани ишга тушириш;

Зиёрат обьектлари биноларида ёзилган Куръон оятлари, ҳадислар намуналари ва бошқа матнлардан иборат эпиграфик ёзувларнинг таржимасини турли тилларда маҳсус пешлавҳаларга ёзиб қўйиш.

Зиёратчиларга қулайлик яратиш, маросимларини қийинчиликларсиз амалга ошириши учун зиёратгохлар тасарруфидан қурбонлик фермаларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш;

Йирик зиёратгохларда турли нохуш ҳолатларини олдини олиш мақсадида тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.02/30.12.2019.TAR.56.01.  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
ИСТОРИИ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**ИНСТИТУТ ИСТОРИИ**

**ШАВКАТЖОН УЛУГБЕКОВИЧ БОБОЖОНОВ**

**ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ПАЛОМНИЧЕСКОГО  
ТУРИЗМА В БУХАРСКОМ ОАЗИСЕ  
(антропологическое исследование)**

**07.00.07–Этнография, этнология и антропология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Ташкент, 2023**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам была зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.3.PhD/Tar507.**

Диссертация выполнена в Институте истории Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета ([www.fati.uz](http://www.fati.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Манзила Бакиевна Курбанова**  
кандидат исторических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Руза Баллиева**  
доктор исторических наук, профессор

**Зайнаб Кадирбергановна Абидова**  
доктор философии по историческим наукам (PhD)

**Ведущая организация:**

**Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится «17» февраля 2023 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01. по присуждению ученых степеней при Институте истории Академии наук Республики Узбекистан от (Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Яхъя Гулямова 70, главный корпус Академии наук, 110-кабинет. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; email: [info@fati.uz](mailto:info@fati.uz). Институт истории АН Республики Узбекистан).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована под № \_\_\_\_\_) (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Зиёлилар, 13. Тел: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41)

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 г.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 г.)

**Азамат Зиё**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.н.и., профессор

**Х.С. Жуманазаров**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по историческим наукам, PhD

**Н.А. Аллаева**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.и.н.

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В процессе межэтнической и культурной интеграции, происходящей в XXI веке, всё большую актуальность приобретает формирование паломнического туризма в сохранении национальной идентичности и обозначении места каждого региона в качестве единого этнокультурного пространства. Паломнический туризм, будучи главным фактором культурно-гуманитарного развития, вносящего вклад в сохранение мира и сближение народов путём «межкультурного общения», считается также средством сохранения национальных традиций, обычая и обрядов.

На современном этапе резкое возрастание количества туристов и паломников в мире превратило паломнический туризм, являющийся важной отраслью мировой экономики, в отдельное направление культурной антропологии. Изучение паломнического туризма в рамках сегмента туристского рынка, миграционных, религиозных и светских аспектов, включает его в число тем, имеющих не только научное, но и практическое значение. Научные исследования этого социокультурного и религиозного феномена в разрезе разных религий, культур, регионов и социальных категорий проводятся в таких центрах, как Американская антропологическая ассоциация (США), Международная академия туризма (Испания), Российский научно-исследовательский институт культурного и природного наследия имени Д.С.Лихачёва (Россия) и др.

В последние годы в Узбекистане формирование духовно-нравственной культуры и исторического мышления тесно связано с пропагандой паломнического туризма. Необходимость популяризации зиёрат-туризма обусловлена значимостью восстановления истории великих святых и мыслителей, сохранения богатейшего материального и духовного наследия для грядущих поколений и улучшения благосостояния народа. Подтверждением этому служат слова Президента Республики Узбекистан «ознакомление широкой общественности с наследием великих предков, оставивших неизгладимый след в истории нашей религии, отвечает нашим сокровенным желаниям и устремлениям»<sup>1</sup>. На территории важного историко-этнографического региона, каким является Бухарский оазис, насчитывается около 500 мест паломничества и поклонения, однако, история, классификация, практика зиёрата, обычаи и обряды, место в паломническом туризме, до сих пор полностью не изучены в антропологическом контексте. Осуществлённые в годы независимости в религиозной сфере реформы и внимание государства к развитию туристского сектора стали причиной изменений в мировоззрении и религиозных представлениях населения, что порождает необходимость изучения отношения к святым местам и мотивов паломничества. Именно поэтому изучение данной темы в антропологическом плане, сегодня, имеет актуальное значение.

---

<sup>1</sup>Речь Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на неофициальном саммите Тюркского совета, проведённого в режиме видеоконференции. 31 марта 2021 г. <https://president.uz>.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, обозначенных в указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы» от 28 января 2022 г., № ПП-2980 «О мерах по ускоренному развитию туристского потенциала города Бухары и Бухарской области 2017-2019 гг.» от 19 мая 2017 г., № ПП-3217 «О первоочередных мерах по развитию сферы туризма на 2018-2019 гг.» от 16 августа 2017 г., № ПП-3514 «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма» от 7 февраля 2018 г., № УП-5611 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан» от 5 января 2019 г., № УП-6561 «О мерах по дальнейшему развитию внутреннего и паломнического туризма в Республики Узбекистан» от 9 февраля 2021 г., а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики: 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления для социального, правового, экономического, культурного, духовного и образовательного развития информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Историография вопроса проанализирована в выделенных четырех группах исследований и литературы:

1. Историческая литература до второй половины XIX века;
2. Литература колониального периода;
3. Исследования периода независимости;
4. Зарубежные исследования.

Историографический анализ темы показывает, что по вопросу святых мест и паломнического туризма проведён ряд междисциплинарных исследований, однако особенности развития зиёрат-туризма Бухарского оазиса до сих пор не были изучены в антропологическом плане.

Историографический анализ изучаемой темы подробно изложен в третьем параграфе первой главы диссертации.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где была выполнена диссертация.** Данное исследование осуществлено согласно плану научно-исследовательских работ в рамках прикладных исследований проекта ЁФ1-ФА-0-12230 «Формирование и этапы развития национальной идентичности узбеков (2018-2019 гг.)» Института истории АН РУз

**Цель исследования** заключается в антропологическом изучении особенностей развития паломнического туризма.

**Задачи исследования:**

С историографических позиций охарактеризовать теоретико-методологические аспекты изучения вопроса паломнического туризма;

Охарактеризовать и классифицировать понятие «паломнический туризм»;

На основе историографии проблемы проанализировать состояние зиёрат-туризма в Бухарском оазисе в годы независимости;

Раскрыть содержание процесса формирования зиёрат-туризма в Бухаре, выявить его формы и виды;

На основе материалов полевых исследований классифицировать объекты зиёрат-туризма;

Опираясь на сведения этносоциологического характера, рассмотреть нормы и правила этикета, а также порядок обрядовых действий в ходе совершения зиёратата;

На основе этнологических сведений проанализировать значение зиёрат-туризма в социально-экономической жизни оазиса;

Осветить местные особенности инфраструктуры паломнического туризма оазиса;

Рассмотреть факторы, повлиявшие на развитие зиёрат-туризма в оазисе;

Выявить проблемы в сфере зиёрат-туризма, изложить практические предложения и рекомендации по реализации его потенциала в экономике оазиса;

**Объект исследования** составляет паломнический туризм Бухарского оазиса.

**Предметом исследования** являются этапы формирования и развития паломнического туризма, его формы и виды, классификация объектов посещения, инфраструктура, нормы и правила этикета, а также динамика локального развития доли этой сферы в социально-экономической жизни оазиса.

**Методы исследования.** В диссертации широко использованы такие методы антропологического исследования, как историзм, контент-анализ, картографирование, наблюдение, анкетный опрос и интервью.

**Научная новизна исследования** заключается в следующем:

Обосновано, что паломнический туризм в Бухарском оазисе получил развитие в результате взаимодействия таких факторов, как пропаганда святых мест в качестве объектов всемирного наследия, переплетение религиозных и светских мотивов в паломничестве, адаптация отношений между посещающей стороной (гостями) и принимающей стороной (хозяевами) к мировым стандартам;

исходя из географического расположения, религиозного мотива, социальной категории обоснованы классификация таких одиннадцати форм объектов зиёрат-туризма оазиса, как места поклонения доисламского периода, называемые именами культовых личностей, наделяемые целительными свойствами и сохранившихся на территории частных домовладений могил святых (Сабри Вали, Ходжа Хофиз, Эшони Пир и др.);

нормы и правила этикета зиёрата в местах паломничества обоснованы исходя из таких региональных особенностей, как дни совершения поклонения, архитектура в виде *салом дарвозаси*, *кавушкашона*, *худойихона*<sup>\*</sup>, ритуальная практика, включающая в себя кипячение котла, подметание порога святого места, зажигание фитиля, совершение пожертвования, отношение к атрибутам культового места - камень желания, открывание замков святого места и являющиеся элементами хаджа дерево Мекки, колодец Замзам;

выявлено, что инфраструктура зиёрат-туризма сформировалась на основе таких факторов, религиозно-психологические потребности, интерес к национальным ценностям, древним улицам, традиционным жилищам, декору интерьера на основе национального орнамента, национальных блюд в виде *софи ош*, *холва*, *нишилда* и внедрение стандартов исламского туризма и гостеприимства, включающих в себя гигиенический душ, указатели направления Киблы и предметы, необходимые для совершения молитв в халяль-отелях оазиса.

#### **Практические результаты исследования** заключаются в следующем:

на узбекском, русском и английском языках разработана и внедрена в практику карта мест паломничества города Бухары, содержащая сведения о несохранившихся вследствие антропогенных и техногенных причин в разные исторические периоды 29 древних мазарах (всего 40), 50 местах поклонения и паломничества (всего 133) Бухары (Свидетельство №002806 Агентства по интеллектуальной собственности от 18 декабря 2020 г.);

в целях широкой пропаганды за рубежом паломнического тура по семи святым местам Бухары – захоронениям великих суфииев, считающихся основными направлениями зиёрат-туризма оазиса, увеличения числа туристов-паломников, содействия реализации программы малого хаджа было разработано мобильное приложение «7 PIR» (Свидетельство № DGU 10628 Агентства по интеллектуальной собственности от 24 марта 2021 г.).

Научные результаты исследования могут служить основой изысканиям в таких направлениях, как история, антропология, туризм и экономика.

